





ДУНЮ ДАВЛАТЛАРИ



МЕХНАТДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

ГАВАНА. 26. Гаванадаги автотранспорт заводи коллективи ўз меҳнати билан Кубада ҳақиқатан катта шухрат қозонди. Совет Иттифоқининг ёрдами билан қурилган ва Куба-Совет дўстлиги номидаги завод деб аталган бу корхона ҳар йили Совет

Иттифоқидан келтирилган 3 мингта автомобилни ва 3 мингта автомобиль двигателини ремонтдан чиқариб бермоқда. Бу корхона ишчиларининг меҳнатдаги муваффақиятлари ҳозир бутун Кубада маҳталмоқда.

ГАВАНА. 26. Совет Иттифоқи Кубага атаб тайёрлаб берган ўзи юрар комбайн бир кунда 30 минг арробга яқин шакар қамшичини ўриб бермоқда. (Бир арроб 11,5 килограммга тенг). Комбайн шакар қамшичини ўриб, барглари тизаллаб, майдалаб

қирчиб автомашинага ёки машинага юклаб беради. Қамшизорларда 100—150 нафар кишининг ишини бақарадиган бу универсал машина Куба шароитида ишлаб чиқариш синовларидан муваффақиятли ўтди.

КУБА. Мамлакат ҳалқининг ҳаёти йил сайин фаровонлашиб борапти. Енгил саноат корхоналари ҳалқ эҳтиёжини қондириш учун қўлаб маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Суратда: «1 Май» заводида.

Ўнгдаги суратда сиз Орьенте виллояда шакар қамшичини ўриб олиш пайтини кўриб турибсиз.

Е. Алексеев ва В. Владимиров фотолари. (ТАСС).

БУДАПЕШТ МЕТРОПОЛИТЕНЧИЛАРИНИНГ ЮТУРИ

БУДАПЕШТ. 26 июнь. (ТАСС). Будапешт метрополистенчилари пойтахтдаги янги метрополистеннинг иккинчи участкасини қуриш ишларини зарбдор суръат билан олиб бормоқдалар. Бу участкани шу йилнинг охирида ишга тушириш мўлжаллаб кўйилди.

Ҳозирги вақтда станцияларда ва иккинчи участканинг туннелларида ускуналар монтаж қилинмоқда. Бу ускуналарнинг кўп қисmini, масалан, экскаваторларини Совет Иттифоқи етказиб берди. Будапешт метрополистенчилари шоедлари ҳам Совет Иттифоқидан келтирилди. Будапешт метрополистенчилари пойтахт метросини қуришда Москва метрополистенчиларининг бой тажрибасидан кенг фойдаланмоқдалар.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ МАҲСУЛОТ

БУХАРЕСТ. 26. Руминия пойтахтидаги саноат корхоналарининг коллективлари беш йиллик планни тўрт ярим йилда бажариш учун курашиб, катта ишлаб чиқариш муваффақиятларига эришмоқдалар. Улар шу йилнинг беш ойи ичида пландан ташқари минглаб

тонна турли нав бўлат, юзлаб телевизорлар, электр моторлар ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқаришда, пландан ташқари ишлаб чиқариш маҳсулотининг 65 процентдан кўпрогини меҳнат уюмдорлигини ошириш йўли билан қўлга киритилди. (ТАСС).



ЛАОС. Нео Лао Хак Сат ватанпарварлар партияси Марказий Комитетининг органи бўлган газетани нашр қилишда бир мунча қийинчиликларга дуч келишмоқда. Босмахона ишчилари шароитини оғир бўлишига қарамай азиятларини кўтириб беришда ушбу газетани нашр қилишда катта ҳисса қўймоқдалар. Суратда: Босмахона цехларининг бирини. АДН—ТАСС фотоси.

ҲИНДИ-ХИТОЙ ФРОНТЛАРИДА

ХАНОИ. 26 июнь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар вазири 25 июнда бу ерда эълон қилинган баёниётида бундай дейилди: АҚШ авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг аҳоли зич яшайдиган районларига ҳужумини давом эттирмоқда. Америка авиацияси 24 июнда Винь-Фу, Хоабинь, Куангбинь вилоятларини, Винь-Фу зонасини ва республиканинг бошқа районларини бомбардимон қилди.

Вьетнам Демократик Республикасининг ташқи ишлар вазири АҚШдан портларни минималлаштиришни, республика территориясини бомбардимон қилишни, шунингдек, ВДРнинг суверенитетини ҳамда ҳарфислигига ҳамда қилувчи бошқа ҳамма ҳуружларини дарҳол тўхтатишни қатъий талаб этди.

25 июнда Вьетнам Демократик Республикасининг оқимидида Американинг яна 4 самолёти ўриб туширилди. Вьетнам информатсия агентлигининг хабар беришича, Вьетнам Демократик Республикасини оқимидида ўриб туширилган АҚШ самолётларининг умумий сон 3.668 тага етди.

ЛОНДОН. 26 июнь. (ТАСС). Жанубий Вьетнамда ҳалқ озодлик қуроли кучлари бўлишлари шимолдаги секторда Хуэ вилоят марказига қаттиқ ҳужумини давом эттирмоқдалар.

Америка қўмондонлиги натавпарварларнинг ҳужумини тўхтатишга уриниб, Сайгон қўргўчларига ёрдам бериш учун неча ўнлаб «В-52» бомбардимон самолётларини юборди. Рейтер агентлигининг мухбири Сайгондан хабар беради: Америка авиацияси кейинги кунларда Хуэ шаҳри атрофидаги районларда 2500 тонна бомба ташлади.

Марказий ясси тоғда Сайгон қўшинларининг 100 машинадан иборат автоколоннаси ҳалқ озодлик қуроли кучлари жангчиларининг иштирокисига тўхтатилди. ХАНОИ. 26 июнь. (ТАСС). Сайгон қўшинлари кейинги вақтларда ҳалқ озодлик қуроли кучлари билан жангларда оғир талафот кўрганилиги тўғрисида Жанубий Вьетнамдан маълумотлар келиб турибди. Озодлик матбуот агентлигининг хабар беришича, ҳалқ озодлик қуроли кучлари жангчилари июнь ойининг биринчи ярмида Намбоинг гарбиди душманининг 1900 солдат ва офицерини сафдан чиқарганлар ҳамда 11 ҳарбий кемани ботирганлар.

УРУШГА ҚАРШИ АНЖУМАН

НЬО-ПОРК. 26 июнь. (ТАСС). АҚШ миллий насабо союзи конференциясининг Сан-Луис шаҳрида (Миссури штати) бўлиб ўтган якуловчи мажлисида урушга қарши, тинчлик

учун курашувчи лия насабо союзи ташкилотини тизинганлиги эълон қилинди. Урушга қарши анжуманининг ишида Америкадаги ўттиб бир штат прогрессив насабо союзи

бирлашмалари ва ташкилотларидан бир мингта яқин делегат ва кузатувчи қатнашди. Конференция қатнашчилари Америка насабо союзларининг оддий аъзоларидан тўрт миллиондан

ортиқ киши номидан вакил сайлаган эдилар. Конференцияда Америкадаги бир қанча насабо союзларнинг раҳбарлари, ишчилар ва насабо союзи ташкилотларининг акти-

лари, шунингдек, сенатор-демократ М. Гравел ва Мартин Лютер Кингнинг беэси, ишчиларнинг гравданлик ҳуқуқлари ҳаракатининг таниқли активистлари бири Коретта Кинг сўзга чиқдилар.

„ФОЛЬКСШТИММЕ“ ГАЗЕТАСИННИНГ БАЙРАМИ

ВЕНА. 26. Австрия пойтахти ва унинг атроф теварагида яшовчи аҳолидан юз мингга яқин киши Австрия Коммунистик партиясининг марказий органи «Фольксштимме» газетасининг иккинчи куни байрамида қатнашди.

Тантаналар «Австрия Коммунистик партияси — мамлакат меҳнаткаш ҳалқининг манфаатларининг ҳимоячиси» деган шир остида ўтди. Қардош коммунистларнинг газеталари байрамда қатнашувчи учун ўз вакиллариин юборишди.

ДЕМОКРАТИК КҮЧЛАР ВАКИЛИ ГАЛАБА ҚИЛДИ

ТОКИО. 26 июнь. ТАСС мухбири Н. ГЕРОНИН хабар беради:

Демократик кучлар вакили Тинобо Яра Окинаванинг биринчи губернатори этиб сайланди. У ана шу ороларда Окинава социалистик партияси, социалистик оммавий ва ҳалқ партиялари, насабо союзлари, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари ва бошқа оммавий ташкилотларини ўз ичига олган демократик фронтнинг ягона номзоди сифатида ҳаракат қилди. Демократик фронт префектура мажлисидаги ўринларини талаштириш қисмини ҳам эгаллади.

Т. Яра 25 июнда ўтказилган сайлов натижалари эълон қилингандан кейин бугун қуйдаларини айтиди: мен Окинавадаги Америка ҳарбий базаларини тутатиш ва бу ороларнинг йўлдаги курашини давом эттириш ниятдаман.

Окинавада ўтказилган сайловда ҳукумрон либерал-демократик партиянинг вакили қақшатиқ мағлубиятга учради. Министрлар кабинетининг бош секретари Н. Такеита ана шу сайловларини шарҳлаб, ҳукумат бу сайловларнинг натижаларини «окинаваларнинг томонидан чиқарилган ҳукм» деб қараши лозим эканлигини тани олишга мажбур бўлди.

ПАРТИЗАНЛАРНИНГ ҲАЛҚАРО УЧРАШУВИ

РИМ. 26. Италиянинг Новара вилоятидаги Фондо Точе деган жойда иккинчи жаҳон уруши вақтида фашистлар 42 нафар партизанин отиб ташлаган эди. Ана шу ватанпарварлар ҳалокатининг 28 йиллиги хотираси учун бу ерда собиқ партизанларнинг халқаро учрашуви

ўтказилди. Учрашувда Франция, Югославия, Испания, Италиядаги фашизмга қаршилик курашати ҳаракати қатнашчилари делегациялари, шунингдек уруш ветеранлари Совет Комитетининг делегацияси иштирок қилди.

ДАВОЛАШ ҚИММАТЛАШМОҚДА

ТОКИО. 26. 1970 йилда Японияда даволаш қимматлари дориларнинг баъзи қисмида қимматлашиб кетганилиги маълум қилинди. 1970 йилдаги насаботан 19 процент орди. Япония соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлигининг бугун Токиода эълон қилинган маълумотларига шу гаплар айтилган. Министрликнинг ахборотида таъкидлаб ўтилганича, ўтказилган текшириш 1970 йилда ҳар бир японнинг даволашини учун қилинган харажатларнинг ўртача миқдори 1960 йилдагига нисбатан 6 баравар кўпайганлигини кўрсатган.

4 МИЛЛИОН ГЕКТАР ЕР МУСОДАРА ҚИЛИНДИ

ДИМА. 26. Перуда кейинги уч йил мобайнида йирик латифундиячиларга қарашли 4 миллион гектар ер мусодара қилинди, деди қишлоқ хўжалиқи министри генерал Эрнест Вальде. Ҳукумат — ўтказилган ер ислохоти тўғрисида, деб таъкидлади у, 100 мингдан ортиқ деҳқон хонадонини ер олди.

«Вашингтон пост» газетасида яқинда босилган хабарда айтилишича, Германия Федератив Республикаси ҳукумати Эрнест Вальдега «Озодлик» радиостанцияларининг фаолиятини норози эканлигини, бу станцияларнинг фаолияти Боннинг социалистик мамлакатлар билан муносабатларини нормаллаштиришга ёрдам беришга қаратилган бўлиши таъкидланди. Вашингтонга махфий равишда маълум қилинган.

Гамбургдаги «Штерн» журналининг езишига қараганда, Германия Федератив Республикасининг канцлери Брандт Американинг маана шу радиостанцияларини фаолиятини унинг муносабатини жуда лўнда қилиб, ўз вақтида айтган эди. «Уруш тамом бўлгандан кейин орадан 25 йил ўтган бўлса ҳам чет давлатлар федератив республика территориясида туриб, унинг мамлакатларга қарши радио оралини пропаганда олиб бораётганилиги норазолик ҳиссида қилинди», деган эди Брандт. Германия социал-демократик партиясидаги Вундестага сайланган депутатларнинг бур группаси АҚШ президентига телеграмма юзлаб, мажкур радиостанцияларнинг фаолиятини тўхтатишни талаб қилди.

Эндилкида океан нарёғидида жуда йузулли арбоблар — сенаторлар Фулбрайт ва Саймондон, сенатдаги демократик кўпчиликнинг раҳбари Массард ва бошқалар ҳам шу фикрга қўшилмоқдалар. «Коммунизмга қарши салб юриш» олиб бориш учун бир вақтлар, таъкидлаган Мюнхендаги радиостанциялар «Совет уруш» қабристонидан қанчалик тез жой олса, Европа осмонини шу қадар тез мусарфо бўлади, кенг ҳалқлар ҳам қорқилини ривожлантириш учун зарур бўлган атмосфера шу қадар тез тозаланади.

В. СЕРОВ. (ТАСС).

МТИ—ТАСС фотоси.

